

Яҳудийларнинг даъвоси



15:47 / 14.12.2018 5471

Аллоҳ таоло Жума сурасида шундай марҳамат қилади:

صَدِّقِينَ كُنْتُمْ إِنَّمَا تَوَلَّوْا الْمَوْتَ فَتَمَنَّوْا النَّاسَ دُونَ مَن لِّلَّهِ أَوْلِيَآءُ أَن تَكُمُ زَعَمْتُمْ إِن هَادُواْ الَّذِيكَ يَتَّيَّبَهَا قُلْ

“Сен: «Эй яҳудий бўлганлар, албатта, сиз бошқа одамлардан фарқли ўлароқ, «Аллоҳнинг авлиёларимиз», деб даъво қиладиган бўлсангиз, бас, ўлимни орзу қилинг, агар ростгўй бўлсангиз», - деб айт” (6-оят).

Яҳудийлар доимо «Биз Аллоҳнинг танлаган бандаларимиз» деган даъвони қиладилар. Ушбу оятда Аллоҳ таоло Набий алайҳиссаломга хитоб қилиб, яҳудийларнинг бу нотўғри даъволарига раддия беришни ўргатяпти.

«Агар гапингиз рост бўлса, Аллоҳнинг суйгани бўлсангиз, ўлишни орзу қилинг, чунки қанчалик тезроқ ўлсангиз, Аллоҳга шунчалик тезроқ

эришасиз ва мақсадингиз ҳосил бўлади». Одатда ҳар бир севувчи ўз маҳбубига тезроқ эришиш учун ҳамма чораларни қўллайди. Хўш, яҳудийлар ўлимни яхши кўрармикинлар? Йўқ, асло ёқтирмайдилар. Дунёда уларчалик бу дунё ҳаётига қизиққан халқ йўқ.